NASRULLAEV Nematulloh
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA кафедраси, тарих фанлари номзоди
n.nasrullaev@iiau.uz

“ТАВЗИҲ АТ-ТАНҚИҲ” ШАРҲИ: УСЛУБ ВА ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР

ОБЗОР ТАУЗИХ АТ-ТАНКИХ: СТИЛЬ И НОВЫЕ ВЗГЛЯДЫ

REVIEW OF TAWZIH AT-TANQIH: STYLE AND NEW VIEWS

Аннотация: *Мақолада Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариатнинг “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ” асари ҳақида сўз боради. Асар араб тилида ёзилиб, баён маъноларига кўра, мантиқ илмининг илдизларини очиб беради. Шарҳ муаллифнинг ўткир зеҳн соҳиби экани сабабли илм жабҳасида намунали, бетакрор ва фойдали асарларнинг бири сифатида машҳур бўлди. Мазкур асарда муаллифнинг ҳанафий мазҳабига доир мудофаалари намоён бўлиб, бу хусусият бошқа мазҳаб олимларнинг эътиборини ҳам жалб этди. “Тавзиҳ”га “Талвиҳ” номи билан шарҳ ёзган Тафтазоний ва “Танқиҳул усул”га, “Тағйирут танқиҳ”ни ёзган аллома Ибн Камолпошо улар жумласига киради. Садр аш-шариа “Тавзиҳ”да турли қарашларга кенг ўрин бериб, таржиҳда мазҳаби далилларини, кучли ва эътиборли эканини исбот этади. Шу билан бирга мазҳаби ичидаги фарқли қарашларга эътибор қаратиб, уларни таржиҳ этди.*

Калит сўзлар: *Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариа, Тафтазоний, Ибн Камолпошо, Танқиҳ ал-усул, Тавзиҳ, Талвиҳ, шарҳ, калом, усули фиқҳ, мазҳаб ҳимояси.*

Аннотация: *В статье говорится о произведении Убайдуллы ибн Масуда Садра аль-Шариа «Ат-Таузих фи халли гавамиз ат-Танких». Работа написана на арабском языке и по смыслу высказывания раскрывает корни науки логики. Комментарий прославился как один из образцовых, уникальных и полезных произведений в области науки благодаря острому уму автора. В данной работе показаны авторские защиты ханафитской секты, и эта особенность привлекла внимание ученых других сект. Среди них Тафтазани, написавший комментарий к «Таузиху» под именем «Талвих», и Ибн Камолпаша, написавший комментарий к «Танкихул Усул» и «Тагирут Танких». Садр аш-Шариа дает широкое пространство различным взглядам в Таузихе и доказывает, что сектантские аргументы в переводе сильны и продуманы. В то же время он обращал внимание на различные взгляды внутри секты и интерпретировал их.*

Ключевые слова: *Убайдулла ибн Масуд Садр аш-Шариа, Тафтазани, Ибн Камальпаша, Танких аль-усул, Тавзих, Талвих, комментарий, калам, усул аль-фикх, защита мазхаба.*

Annotation: *The article talks about the work “At-Tawzih fi halli ghawamiz al-Tanqih” by Ubaidullah ibn Mas’ud Sadr al-Shari’a. The work is written in Arabic and, according to the meaning of the statement, reveals the roots of the science of logic. Commentary has become famous as one of the exemplary, unique and useful works in the field of science due to the sharp mind of the author. In this work, the author’s defenses of the Hanafi sect are shown, and this feature attracted the attention of scholars of other sects. Among them is Taftazani, who wrote a commentary on “Tawzih” under the name “Talvih” and Ibn Kamolpasha, who wrote a commentary on “Tanqihul Usul” and “Taghyrut tanqih”. Sadr al-Shari’a gives wide space to different views in Tawzih and proves that the sectarian arguments in the translation are strong and considerate. At the same time, he paid attention to the different views within the sect and interpreted them.*

Keywords: *Ubaydullah ibn Masud Sadr al-Sharia, Taftazani, Ibn Kamalpasha, Tankih al-usul, Tawzih, Talvih, commentary, kalam, methodological fiqh, defense of the madhhab.*

КИРИШ

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариа (ваф.1347) “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ” (“Танқиҳ муаммоларини ҳал этишга тушунтириш”) (“Тавзиҳ ат-танқиҳ”) асари билан анъанавий фуқаҳо усули, фалсафа-мантиқ тилида янгича назарий масалаларни таржиҳ этган. Асар қисқа ва лўнда услуби билан матнига қўшиб шарҳланган китобдир.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд асарни ёзишда фақиҳ Боқиллоний (ваф.1013), Қози Абдужаббор (ваф.1025) ва Даббусий (ваф.1039)нинг усули фиқҳга оид матнларидан унумли фойдаланган. Масалан, Даббусийнинг “Тақвимул адилла”си ва Абул Ҳусайн ал-Басрийнинг (ваф.1044) “Муътамад” асарлари бу илмнинг етуклигига сабаб бўлган. Абу Ҳомид Ғаззолий ва Фахруддин Розий билан, бу илмнинг равнақи юқори чўққиларга кўтарилди.

ISSN 2181-9572

АСОСИЙ ҚИСМ

Садр аш-шариа мазкур шарҳнинг ёзилиши сабабларини муқаддимада: Мен “Танқиҳул усул”ни қоралар эканман, уни ўқувчиларим осон тилда ёзишимни сўрашди. Ёзиб тугатмасимдан матн нусхалари қатор ҳудудларга тарқалиб улгурди. Матнни тўғрилашлар асносида нусхаларда ёзилган хатолар ва чалкашликлар қўшилди. Мен бу шарҳни ёзишга метиндек чидамли ҳолда киришдим. Унга “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ” номини бердим. Мазмуннинг барча таърифлари билан биргаликда ақлий далилларни таъсис этган ҳолда чуқурлаштирилган бир тадқиқот қилишга эришдим. Ниҳоят, аввалги мубҳам ўринларни ойдинлаштириш ва бу шарҳни тамомлаш менга муяссар бўлди”, [11:5] деб қайд этади.

Мазкур шарҳ илмий ва шахсий қарашларга кўра, ўзгартиришларга сабаб бўлган мавзулардан таркиб топган. Масалан, асарда ақлнинг моҳияти ва гўзалликлари фақат кириш қисмида ёритилган. Муаллиф шарҳда ҳусун-қубуҳ масаласини таҳлил этган, бу мавзуни кенг маънодаги таълифи ўлароқ “Муқаддиматул арбаа” номли бўлим ёзилишига ҳам сабаб бўлган [5:242].

“Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ” аввалдан охирига қадар араб тилида ёзилиб, баён маъноларига кўра мантиқ илмининг илдизларини очиб беради. Бу асарга ҳошия ёзганлар “Тавзиҳ”да бир қанча оригинал талқинлар бор деб, муаллифнинг уч масалада файласуфларга мухолифат бўлгани, тўрт минг йилдан бери мавҳум қолган жиҳатларни ўрганганини қайд этишади. Садр аш-шариа “Тавзиҳ”да ақл, таклиф, ҳусун-қубуҳ, қонун, идора каби бир неча фалсафий ғояларни усулнинг тамал масалалари баробарида келтиради. Шу эътибордан фиқҳ усулининг ақл ва нақл сабабларини бунёд этишда, нақлий йўли билан биргаликда унинг ақлий илм эканини кўрсатиб беради. Демак, “Тавзиҳ”ни ҳуқуқ фалсафасига оид, деб эътироф этиш мумкин.

Саъдуддин Тафтазоний (ваф.1390) бу асарга шарҳ ёзишни оқлаб: “бу асар атрофдаги бутун йўналишларнинг хулосаларини шомил, таржиҳ этилган қарашларни ўз ичига олган, манбалари ишончли бўлган, тили фасоҳатли, денгиз каби мусаффо бир китобдир...”, дейди. [11:2]

Матннинг бу қадар аҳамиятли экани баробарида тилининг оғирлиги, тушуниш мураккаблигини ифода этган Тафтазоний, шарҳни талабалар томонидан ўзлаштириш қулай бўлиши учун ёзган эди.

Саъдуддин Тафтазонийнинг асари “ат-Талвиҳ фий кашфи ҳақоиқ ат-Танқиҳ” (“Ат-Танқиҳ ҳақиқатларини очишда эслатма”) деб номланади [15:38]. Мазкур ҳошия мумтоз усулда ёзилган шарҳга шарҳ сифатида танилган [2:300]. Садр аш-шариа ҳанафий мотуридий бўлгани эътиборидан шофеъий ва ашъарий олимлари томонидан танқидга олинади. Ҳошия муаллифи Тафтазоний ўз тарафдорлари ҳимоячисига айланиб, Садр аш-шариага ўз нуқтаи назаридан жавоб беришга ҳаракат қилади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам юқори илмий савиядаги фақиҳ бўлганлари учун улардан кейинги олимлар, бу икки муаллиф китобни мароқ билан ҳавола қиладилар. Бу матнлар иштирокида турли шарҳлар ёзиш билан икки томоннинг иддао ва далилларини илмий ўрганадилар. Унинг натижаси ўлароқ “ат-Тавзиҳ” ва “ат-Талвиҳ”нинг шуҳрати бутун ислом дунёсига тарқалиб улгурди [6:56].

Тафтазоний ҳошияси айниқса ўрта асрларда катта шуҳрат қозонган. Муаллиф мазкур асарини Тус шаҳрига қарашли Гулистони Туркистон қишлоғида 758 йил ҳижрий 29-зулқаъда ойида тамомлаган [5:278-279]. Асарга бўлган эҳтиёж сабаб, мусулмон диёрларида узоқ вақт ўқитилди. Айниқса, XIX аср бошларидан “Тавзиҳ ва Ҳошия”лари жамланган матнлар Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари, Туркия, Калкутта, Деҳли, Лакхнав, Қозон, Қоҳира каби ва бошқа ҳудудларда кенг тарқалиб, кўплаб нусхаларда нашр этилди. Ушбу матнга киркдан ортиқ ҳошия ва ўндан зиёд таълиқалар ёзилди.

Нуриддин ибн Абу Бакр Маржоний (ваф.1423), “Хизаматул ҳавоший ли изоҳатил ғавоший фи усулил фиқҳ” асари муқаддимасида Тафтазонийнинг “ат-Талвиҳ”да бир оз ўзини тута олмаганини зикр этади [3:160].

Асарда Садр аш-шариага оид: “Аввалги ўтганларнинг фикрларини олмай”, “менинг ақлимга келгани”, “фақат менинг фикримга кўра...” каби ва бошқа ифодаларда асар шориҳлари кўпроқ “Тавзиҳ”нинг оригиналлигини ва Садр аш-шарианинг илмий савиясини исбот этарлик моҳиятларига урғу

берадилар. Шунингдек, асарда фиқҳ усули қоидалари билан боғлиқ баъзи қийматларнинг ёпилгани, бир муқаддима ва икки бўлимдангина иборат эканига тўхталиб ўтадилар [7:134-136].

Садр аш-шарианинг шарҳи мазмунига кўра, муаллифнинг ўткир зеҳн соҳиби экани сабабли илм жабҳасида энг намунали, бетакрор ва фойдали асарларнинг бири сифатида машҳур бўлди.

Қози Бурҳониддин (ваф.1398) бу асарни илм дунёсидаги ўрни ҳақида: “бу асарда масаланинг Танқиҳи ва далилларининг тавзиҳи бениҳоя гўзал бир таҳқиқ ва тадқиқ билан таълиф этилган. Асар, ўзининг қатор ижобий жиҳатлари билан ўзидан аввалги олимларнинг асарларидан фарқланиб турувчи жиҳатларга тўладир” каби ифодаларини қўллайди.

Асар мавзуси ўз давригача яратилган матнлар орасида янги қарашларни очиб берди. Мазкур шарҳ ўз тартиби, лафзлари, тадқиқот усулининг намуна бўладиган бир неча сифатлари ўлароқ китоб шаклида таълиф этилди. Баъзи олимлар бу асардаги лафзларга қўшимчалар, баъзилари изоҳ қайдларини ёздилар, баъзилари уни танқид этишса, яна бошқалари, уни тадқиқ этдилар.

Бу шарҳга ёзилган танқидлар Мулла Ҳусравнинг “Миръатул усул шарҳи миркатил усул” ва Ибн Камолпошога тегишли бўлиб, бир раддия ўлароқ тақдим этилади. Лекин, бу шарҳлар илм оламида тан олинмаган. Ҳанафий олимлари Садр аш-шариа томонида туриб, Ибн Камолпошони танқид этадилар ва тавсиф этмайдилар.

Садр аш-шарианинг ушбу асарига шарҳ, ҳошия, таълиқ ва раддия каби бир қанча тадқиқотлар битилган. “Муқаддиматул арбаа” деб танилган “ат-Тавзиҳ”нинг ҳусун-қубуҳ мавзусига Ҳожи Ҳасанзода (ваф.1505), Кестелли Муслиҳиддин (ваф.1495), Хатибзода (ваф.1495), Алоуддин Али Арабий (ваф.1495), Ҳасан ибн Абдуссомад (ваф.1485) ва Муҳиддин Маҳмуд ас-Самсуни (ваф.1521), Муслиҳиддин ас-Сўруний (ваф.1562), Кавукчизода Мустафа Афанди (ваф.1721), Муҳаммад ал-Аккирманий (ваф.1761), Абу Саид ал-Қайсарий (ваф.1774), Исмоил Ваҳбий Кўнавий (ваф.1781) каби Усмонли олимлари томонидан ҳам ҳошия ёзилган [5:342, 354, 356, 363, 381, 424, 433, 438, 441].

Садр аш-шариа муқоясали фиқҳ усулини тартиб этган “Тавзиҳ” асарида мавзуларни ёритиб, ҳанафийликка фарқли қараш ва ихтилофли масалаларга ҳам ўрин берган. Шу жиҳатдан асар хилоф ва жадал китобларини эслатади. Муаллиф мазҳабни ҳимоя қилиш ва мухолиф қарашларни рад этиш учун жадал усулини қўллаб, рад ёки қабулда кўпроқ ақлий асосларни танлаган.

Садр аш-шариа асарда жадал илмининг икки йўл ва усулини қўллайди. Яъни у ҳам Баздавийнинг усули бўлган насс, ижмо ва истидлол каби шаръий далилларга жадал йўлини ҳамда Сайфиддин ал-Омидий (ваф.1233) нинг усули бўлган қайси илмлигидан қайъий назар, истидлолда қўлланилган ҳар бир далил учун қамраб олинган йўлни танлаган. Асардаги хилоф ва жадалнинг марказида ҳанафий ва шофеъий мазҳаби туради.

Садр аш-шариа ҳанафий мазҳабига кўра қарашини “عِنْدَنَا” (бизнингча), Шофеъийларга эса, “عِنْدَ الشَّافِعِيِّ” (шофеъийга кўра) ифодасини ишлатади. Муаллиф аввал мазҳаби қарашларини ифодалаб, “خِلَافًا للشَّافِعِيِّ” (шофеъийларга хилоф) иборасини қўллаб, уларнинг қарашларини мухтасар келтириб ўтади. Кейин мухолиф қарашларни рад этиш учун ақлий ва нақлий далиллар билан ёндашди. Далиллар келтиришни ҳанафий мазҳабидан бошлайди. Аввал нақлий далилларни келтириб, сўнг ақлий далилларга ўтади. Вазиятга қараб мухолиф томон эътирозларини ўртага қўяди ва керакли ўринларда уларнинг мақбул далилларини ҳам қабул этади.

Садр аш-шариа мухолиф эътирозларига мунозара йўли билан жавоб беради. Мухолиф қарашларини заиф ёки ишончлилик қирраларини ва эътиборсиз сабабларини уйғунлаштиради. У имомларнинг тўхтамларини тақдим этаркан, далил ва қавлларини таҳлил этишда одоб, тавозеълик, эҳтиёткорлик, мутаассиблик қилмасдан, қўполликка бормай, қалбларга жароҳат етказмаслик йўлларини тутади. [9:2940].

Энди, Садр аш-шарианинг “Танқиҳ” ва “Тавзиҳ” номли усул асарлари бўйича ёзилган машҳур асарлар ва муаллифлари ҳақида сўз юритамиз.

Нукракор (ваф.1375). Абу Муҳаммад Жамолиддин ан-Найсабурий аш-Шариф.

ISSN 2181-9572

Кумушчи касби сабабидан Нукракор лақабини олган. Садр аш-шарианинг “Танқиҳ” асарига “Шарҳут танқиҳ” номли шарҳ ёзган. Таниқли ҳанафий уламоларидан бири. Ҳалаб, Дамашқ ва Қоҳирада дарс берган. Ақлий илмларда устун экани кўп зикр этилган. Шогирдлари орасида кўпроқ Саййид Шариф Журжоний тилга олинади. Дамашқда вафот этган. Усул, наҳв, сарф, қироъат, тафсир ва балоғатга оид қатор асарлар муаллифи ҳисобланади [5:269].

Мулла Фанорий (ваф.1431). Усмонли фиқҳ олими. Тўлиқ исми Шамсиддин Муҳаммад ибн Ҳамза. Усули фиққа оид “Фусул ал-Бадоъий фи усул аш-шароиъ” асарида Садр аш-шарианинг “ат-Тавзиҳ” матнидан таъсирланган ва манба сифатида унга суянганини эътироф этган.

Камолиддин ибн ал-Ҳумом (ваф.1457). “Ат-Таҳрир” асари билан танилган. Ҳанафий фақиҳи. Усул ва калом олими. Усули фиққа оид мазкур асарида Садр аш-шариадан унумли фойдаланган.

Мулла Хусрав (ваф.1480). “Миръат ал-усул фи шарҳи Мирқот ал-вусул ила илм ал-усул” номли асари билан танилган. Муҳаммад Мулла Хусрав ўз даврининг машҳур олими ва муфтийси ҳисобланади. Олимнинг усул ва фуруъга бағишланган “Дурар” асари аҳли илмлар орасида машҳур. Мулла Хусрав ўз асарини таълиф этаркан, “Танқиҳ” ва “Тавзиҳ” асарларидан фойдаланганини асари муқаддимасида эътироф этади. Унинг асари усмонли олимлари наздида доим эътироф этилиб, матнга ҳошиялар битилган ва мадрасаларда ҳозиргача ўқитилиб келинади [10:6-7].

Қози Бурҳониддин (ваф.1398). Аҳмад ибн Шамсиддин Муҳаммад ас-Сиваший. Арзинжоний лақаби билан танилган. Ҳанафий фиқиҳи. “Таржиҳ ат-Тавзиҳ” асари муаллифи. Олим ва шоир маълум вақт қозилик ҳам қилган. Усули фиққа оид “Таржиҳ ат-Тавзиҳ” асари билан илм аҳлларига танилган.

Ибн Камолпошо (ваф.1534). “Тағйир ат-Танқиҳ” номли асари билан машҳур. Муфтий ас-сақолайн куняли усмонли олими. Ибн Камол усули фиққа оид асарини Садр аш-шарианинг “ат-Танқиҳ” асридан илҳомланиб ёзганини эътироф этади[1:237]. Шарҳ Истанбулда ҳижрий 1308 йил чоп этилган [5:372].

Муҳаммад ибн Ҳилол (ваф.1603). Муҳаммад ибн Зайниддин Ҳилол. Ҳанафий фақиҳи ва усулчи олими. Садр аш-шарианинг “Тавзиҳ” асари матнида келган “ал-Итён бил маъмури биҳи навъан” масаласига оид ёзилган “Рисола фи масалатин усулиййа” номли рисола муаллифи.

Ҳалабий (ваф.1691 дан кейин). Ҳалаблик ҳанафий усулчи олим. У ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. “Фароидуд Дур” номли асар унинг қаламига мансуб. Ҳалабий ушбу асарни Абул Баракот Насафийнинг “Манор” ва Садр аш-шарианинг “Танқиҳ” матнларига тақлидан тасниф этган [5:348].

Ходимий (ваф.1762). “Мажомиъул ҳақойиқ” асари муаллифи. Абу Саййид Ходимий машҳур усмонли фиқҳ олимларидан бири. Унинг усули фиққа оид асари Садр аш-шарианинг “Тавзиҳ”, Мулла Хусравнинг “Мирқот ал-вусул” ва Тожуддин Абдулваҳҳоб ас-Субкий [1:261] (ваф.771)нинг “Жамъ ал-жавомиъ” асарларига таяниб ёзилган [1:347].

Носируддин ал-Адҳамий ал-Воиз (ваф.1857). Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад ибн Жаъфар, Носируддин ал-Адҳамий ал-Ҳусайний ал-Воиз. Ҳанафий фақиҳи ва адабиётчиси. Бағдодда туғилган ва ўша ерда вафот этган. Мунтазам мударрислик фаолияти билан шуғулланган. Усул, фиқҳ, калом ва адабиёт билан боғлиқ қатор асарлари бор. Садр аш-шарианинг “Тавзиҳ”ни манзума ҳолатига келтириб, “Назмут Тавзиҳ” деб номлаган [5:461].

Кези келганда, Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шарианинг “Тавзиҳ” асари юзасидан ёзилган айрим илмий ишларни зикр этиш ўринли бўлади. Бу ҳолат асарни ўрганишга кўп олимларнинг ғайрат қилганидан дарак беради. Матн бўйича асрлар давомида қатор шарҳлар, ҳошиялар ва таълиқалар ёзилган бўлиб, қуйида уларнинг баъзилари мухтасар таҳлил қилинади:

“Ҳошияту Абдулқодир ибн Абдулқосим ал-Ансорий”. Котиб Чалабий ва Хайриддин Зирклий “Тавзиҳ”нинг ал-Ансорий (ваф.1417)га оид бир ҳошияси ҳақида маълумот берадилар.

“Хизаматул ҳавоший ли изоҳатил ғавоший”. (“Ёпиқликларни олиб ташлашда ҳошияларнинг энг тўғриси”) номли Шаҳобиддин Маржоний (ваф.1888) томонидан ёзилган ҳошия. Маржоний “Тавзиҳ”га ёзилган ҳошиялар тушунарсиз ва улардаги кўп масалалар очилмай қолганини айтиб, асарга қаратилган танқидчиларга раддия сифатида намоён бўлди. Асар ҳошиялар ичида

катта ҳажмлиси ва энг кўп “ғайб”га эргашишга боғлаб тасниф этилганидир. Маржоний ўз ҳошиясини бошқа ишларда кўринган нуқсон ва тушунилмаган иборалардан тозалаб, уни очиқ ифода ва етарлича таҳлилларда ўртага қўйди. У Тафтазонийга қарши туриб, Садр аш-шариа қарашларини мудофаа қилди. Замонавий татар олими Кудайнетов бу асар билан боғлиқ мавзуда илмий тадқиқот олиб борган [4:63].

ХУЛОСА

Демак, Садр аш-шарианинг ҳанафий мазҳабига доир мудофаалари унинг мазкур асарида ҳам намоён бўлади. Асарларидаги бу хусусият бошқа мазҳабларга мансуб олимларнинг эътиборини ҳам жалб этади. “Тавзиҳ” номли асарига “Талвиҳ” номи билан шарҳ ёзган Тафтазоний ва “Танқиҳул усул”лига “Тағйирут Танқиҳ”ни ёзган аллома ибн Камолпошо ушбу олимлардан саналади. Зеро, Тафтазоний ҳам Садр аш-шариага жавоб қайтариш мақсадида шофеъий мазҳабини маҳкам тутиб, “Талвиҳ”ни ёзган. Бир оз кейинроқ Қози Бурҳонуддин “Таржиҳ ат-Тавзиҳ” номли асарини Садр аш-шарианинг “Тавзиҳ” асаридаги қарашларини қўллаш учун таълиф этди. Ибн Камолпошога қарши Садр аш-шариани қўллаб, Имом Биргавий ҳам “Рисола фи раддил ислаҳ вал изоҳ” асари билан жавоб берди.

Садр аш-шариа “Тавзиҳ” асарида турли қарашларга кенг ўрин бериб, таржиҳларда фақат ўз мазҳаби қараш, далилларини, анча кучли ва эътиборли эканини исбот қилди. Шунинг билан биргаликда ўз мазҳаби ичидаги фарқли қарашларга эътибор қаратиб, уларни таржиҳ этди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ahmet Ozel. Hanefi Fikh Alimleri. – Istanbul: Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari, 2006. 2. Baski. – 438 s.
2. Brockelmann C, GAL, II, 277; GAS. T-II. – P. 300.
3. Hüseyin Atay. Islam Hukuk Felsefesine Gırış. – Ankara: 1995. – S. 160.
4. Kudaynetov Saıd Alı. Şıhabüddın el-Mercanınıg Usülü Fıkıh Anlayışı. Huzametul Havaşi li Izahatıl Gavaşı Adlı Eserı Vaglamında. Yüksek Lısans Tezı. – Ankara 2008. – S. 63.
5. Mehmet Boynukalin. Fıkıh usulü alimleri ve eserleri. III-XIII. Hijri yüzyıl. – Üsküdar – Istanbul: M.Ü.İlahiyat Fakültesi Vakfı Yayinları, 2017. – 638 s.
6. Seyyıd Bey. Fıkıh Usuluna Gırış. – Istanbul: Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari, 2018. – S. 36.
7. Sezayi Bekdemir. Orta Asya’da Hanefiligin Gelisimi Sadrusseria Ubeydullah b. Mes’ud. – Istanbul: Lord Matbaasi, 2017. – 319 s.
8. Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абу ал-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий ал-Қураший ал-Ҳанафий. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия / Таҳқиқ муаллифи: Доктор Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ҳулв. Ж. I-V. – Қоҳира: Мактаба Ҳажр ли-т-тибъот ва-н-нашр, 1413/1993. – Ж. II. – Б.128-130.
9. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари ҳақида. Moturidiylik // ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy-adabiy jurnal. 1-son, 2023. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2023. – Б. 29-40.
10. Садр аш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий. Ат-Тавзиҳ фи Ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ. Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ват-Талвиҳ ила кашфи ҳақийиқ ат-Танқиҳ. Маа ҳошия ат-Тавшиҳ. Лил Аллома Амир Али ибн Маъзум. – Покистон: Жамия ал-Бушрий ал-Хайрия, 2021. – Б. 7-8.
11. Садр аш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий. Ат-Тавзиҳ фи Ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ. Таҳқиқ: Али Мустафо ал-Мисбаҳий. – Байрут: Дорул Кутуб ал-илмиййа, 1971.
12. Садруш шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд. “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-танкиҳ”. – Покистон, Карачи: Ал-Бушрий, 2021. – Б. 6-7.
13. Садруш шариа Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ал-Маҳбубий ал-Бухорий ал-Ҳанафий. Ат-Тавзиҳ ли матн ат-Танқиҳ фи усул ал-фиқҳ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. – Ж. II. – 432 б.
14. Салоҳ Муҳаммад. Абу ал-Ҳож. Мунтаҳий ал-Нуқоя ала Шарҳ ал-Виқоя. I-Ж. – Б. 48.
15. Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. Талвиҳ ала ат-тавзиҳ. Ж. I-II. – Қоҳира: Мактабату Шубайҳ, 1998. – 379 б.

ISSN 2181-9572